

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2017-2021 ЙИЛЛАРДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ЯНГИЛАНГАН НАМУНАВИЙ ЛОЙИХАЛАР БЎЙИЧА АРЗОН УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда қишлоқ жойларда аҳоли учун намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилганлиги қайд этилсин. Фақат 2009-2016 йиллар даврида қишлоқ жойларда 1308 тураржой массивида умумий майдони 9 573 минг квадрат метр бўлган 69 557 та шинам уй-жой қурилди. Қишлоқлардаги 83,5 мингдан ортиқ оиланинг яшаш шароити яхшиланди.

Қўрилган чора-тадбирлар оилаларни замонавий, сифатли, шинам уй-жой билан таъминлашга, қишлоқда янги муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини шакллантиришга қўмаклашди, қишлоқнинг қиёфасини янги даражага кўтариш ва шу асосда қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражасини яхшилаш ва дунёқарашини ўзгартириш имконини берди.

Шу билан бирга, ушбу соҳани ўрганиш аҳолининг реал эҳтиёжлари ва ҳарид қобилиятини, шунингдек, миллий менталитетни ва қишлоқ жойларда яшаш шароитларининг хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олиб қурилиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган принципиал жиҳатдан янги ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш даражасини тубдан ошириш мақсадида:

1. Қўйидагилар қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

яшаш учун ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яхшилаш, қишлоқ аҳолисининг замонавий, сифатли, шинам, арзон уй-жой бўлган эҳтиёжларини қондириш;

қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш учун ажратилган тураржой массивларида муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ва транспорт тармоқларини биргаликда ривожлантириш;

конструктив ва архитектура-режалаштириш ечимларини оптимallasштириш ҳисобига лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари, шунингдек, барпо этилаётган уйлар таннаҳини пасайтириш; энергияни тежайдиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларидан фойдаланишни кенгайтириш;

жойларда қурилиш индустриясини ривожлантириш, пудрат ташкилотларининг қувватларини кўпайтириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

уй-жой қурилиши учун ажратиладиган ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қурилиши учун имтиёзли кредитлар берилишини фуқаролар учун янада қулай шартларни жорий этиш.

2. Қишлоқ жойларда мавжуд намунавий лойиҳаларга қўшимча равишда

арзон уйларнинг қуйидаги янги намуналарини (кейинги ўринларда уйлар деб аталади) жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин:

хўжалик иморатлари ва обод ҳовлилари бўлган икки, уч қаватли кўп қаватли (2, 3 хонали) уйлар;

аҳоли зич жойлашган туманларда ҳовлидаги иморатлар билан биргаликда майдони 0,02 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштирилган бир қаватли 2 ва 3 хонали уйлар;

ҳовлидаги иморатлар билан биргаликда майдони 0,04 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштирилган икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган уйлар.

3. Белгилансинки, уй-жойларнинг янги намуналарини қуриш учун "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Ипотека банк" АТБ, "Халқ банки" АТБ, "Асака банк" АТБ ва "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ (кейинги ўринларда иштирок этувчи тижорат банклари деб аталади) уй қурувчиларга 3 йиллик имтиёзли давр ва биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдоридаги фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида 15 йил мўддатга ипотека кредитлари берадилар, бунда уй қурувчиларнинг дастлабки бадални қуйидаги миқдорларни ташкил этади:

15 фоиз – икки, уч қаватли кўп қаватли (2 ва 3 хонали) уйлар ва 2, 3 хонали бир қаватли уйлар учун;

25 фоиз – икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган уйлар учун.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, "Қишлоқ қурилиш инвести" ИК МЧЖ, иштирок этувчи тижорат банклари ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган 2017 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) маъқуллансин. Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

2017 йилда намунавий лойиҳаларнинг аниқ турлари бўйича қишлоқ жойларда умумий молиялаштириш ҳажми 2 121,5 миллиард сўм бўлган 15,0 мингга арзон, замонавий, шинам уй-жойлар, шу жумладан, биринчи тури бўйича – 4 608 та, иккинчи тури бўйича – 3 739 та, учинчи тури бўйича – 3 672 та, қурилишнинг йиғма ва асосий параметрлари 1-5-иловаларга мувофиқ;

2017 йилда тураржой массивлари учун муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектилари қуриш бўйича йиғма кўрсаткичлар 6-иловага мувофиқ.

Давоми 2-бетда.

ЧИРЧИҚДА МЕВА-САБЗАВОТ ЯРМАРКАСИ ИШ БОШЛАДИ

Чирчиқ шаҳрида иш бошлаган ҳудудий мева-сабзавот ярмаркасида вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидан етмишдан ортиқ фермер хўжалиги, 25 қайта ишлаш корхонаси 200 турдан кўпроқ маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Мазкур ярмарканинг очилишига бағишланган маросимда сўз олганлар озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш, фермерлик ҳаракати ва қайта ишлаш саноатини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юксак самара бераётгани, Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг шу йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"



□ ИМКОНЯТ

ги Қарори қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидладилар.

Фермерлар, тадбиркорлар, юзга яқин ижтимоий соҳа ташкилотлари вакиллари иштирокидаги мазкур тад-

бирни ўтказишдан асосий мақсад вилоятимизда етиштирилаётган сара маҳсулотларни истеъмолчиларга ишлаб чиқарувчи нархларида тўғридан-тўғри етказиб бериш, ижтимоий соҳа ва йирик корхоналарда куз-қиш мавсуми учун зарур бўлган маҳсулотлар захирасини шакл-

лантириш ва экспорт салоҳиятини янада оширишдан иборатдир.

– Ярмаркада хўжалигимизда етиштирилган сабзавот ва полиз маҳсулотларини намойиш этмоқдамиз, – дейди "Чиноз замин неъматлари" фермер хўжалиги раҳбари Ҳамида Худойберганова. – Бундай тадбирлар маҳсулот савдосини кўпайтириш, унинг тури ва сифатини ошириш, экспортга йўналтириш, қолаверса, тажриба алмашиш ҳамда фермер хўжаликлари фаолиятини янада жонлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир якунида ишти-

рокчилар "Энг намунали фермер хўжалиги", "Энг намунали қайта ишлаш корхонаси", "Энг намунали экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи", "Энг самарали иштирокчи", "Энг фаол туман ҳокимлиги" каби ўнга яқин номинация бўйича махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда вилоят ҳокими вазиғасини бажарувчи Ислонжон Эргаш-ходжаев сўзга чиқди. Ярмарка давом этмоқда.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.
Мансур НАХАЛОВ
олган суратлар.



Сайлов – 2016

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси

Президенти сайловини муносиб ўтказиш ҳамда сайлов қонунчилиги тарғиботида бағишланган онлайн семинар ташкил этди. Уни округ сайлов комиссияси раиси Ҳакимжон Ҳамидов кириш сўзи билан очди.

МАСЪУЛИЯТ САБОҚЛАРИ

Тадбирда округ сайлов комиссияси аъзолари, сайлов комиссияси қoшидаги матбуот маркази ходимлари, тарғибот гуруҳи аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим сиёсий жараёни муносиб тарзда, сайлов ва сайловолди тарғибот дастурларини тенглик принципи, ошкоралик ҳамда

демократик тамойиллар асосида ўтказилишини таъминлаш муҳим вазифадир. Шунингдек, шу каби семинарларни туман ва шаҳарлар миқёсида ҳам ташкил этиш сайлов жараёнига пухта ҳозирлик қўриш ва уни ўтказишда катта ўрин тутди.

Тадбирда сўзга чиққанлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комис-

сиялари аъзоларининг вазифалари ва сайлов жараёнининг ўзига хос муҳим жиҳатлари, бу борадаги қонунчилик талаблари хусусида маъруза қилдилар.

Тарғибот гуруҳи аъзолари айна пайтда худди шундай амалий семинарларни жойлардаги участка сайлов комиссиялари аъзолари иштирокида ўтказмоқдалар.

Ўз муҳбиримиз.

САЙЛОВ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг сайловлардаги иштирокига бағишланган республика семинари ўтказилди.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасини тубдан модернизация қилиш борасида амалга оширилган ислохотлар жараёнида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаб келаётган, демократик талабларга мос сайлов тизи-

ми яратилгани таъкидланди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 80 дан ортиқ қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Асосий қонунимизнинг 46-моддасида аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги белгилаб қўйилган.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси томонидан 2016 йил 7 октябрда тасдиқланган

қизларнинг ҳуқуқий ва сайлов маданиятини юксалтиришга қаратилган ташвиқот ишлари ҳам изчил амалга оширилмоқда. Миллий қонунчилигимизда белгиланган хотин-қизларнинг сайлов ҳуқуқлари, уларнинг сайловдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган телекўрсатув, радиоешитириш ва мақолалар тайёрланмоқда.

Семинарда Президент сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган тадбирларда хотин-қизлар қўмиталари, уларнинг бошланғич ташкилотлари ва фуқаролар йиғинларидаги хотин-қизлар билан

ишлаш комиссияларининг ўрни, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тўғрисида"ги Қонуннинг аҳамияти, округ ва участка сайлов комиссияларининг асосий вазифалари, улар ишида хотин-қизларнинг иштироки, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли каби масалалар ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Н. УСМОНОВА,
ЎзА муҳбири.

Видеоконференцалоқ шаклида ташкил этилган тадбирда Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги ҳудудий тузилмалари, Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, "Олима аёл" уюшмаси, "Оила" илмий-амалий маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди масъул ходимлари, бошланғич хотин-қизлар ташкилотлари раислари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кўни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Унга мувофиқ мамлакатимизда жамоат ҳавфсизлиги, тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажариш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда мардлик ва жасорат кўрсатгани ҳамда ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ юртдошларимиз мукофотланди.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

"Мардлик" ордени билан Абдурашидов Шахзод Абдурашидов ўғли – Бўстонлик тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинимаси катта тезкор вакили

"Содик хизматлари учун" медали билан Махкамов Фуркат Исраилович – Оққўрғон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда
янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича
арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ҳокимларига, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ, "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" МЧЖ, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АК, иштирок этувчи тижорат банклари, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар раҳбарларига:

маъқулланган Дастур параметрларига мувофиқ уйлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари қуриш; қурилиш-монтаж ишлари таннаҳини пасайтиришга, маҳаллий қурилиш индустриясини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришга, пудрат ташкилотларининг салоҳиятини мустаҳкамлашга йўналтирилган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

иштирок этувчи тижорат банкларининг буюртмалари бўйича иштирок этувчи тижорат банкларининг маржаси йилга 4 фоиз миқдорда бўлишини ҳисобга олган ҳолда йилга 3 фоизли ставка бўйича 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олувчи 15 йил муддатга миллий валютада кредит линиялари очсин, бунда кредит линияси маблағларини Дастур доирасида уйлар қуришга мақсадли йўналтирсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Марказий банк ва иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда Дастурни амалга оширишга халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматларнинг молиялаштирувчи ташкилотларининг имтиёзли узоқ муддатли кредитларини жалб этиш масаласини ишлаб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, иштирок этувчи тижорат банклари ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти билан биргаликда қишлоқ аҳолисининг уй-жойларининг ҳар бир намунасига бўлган талабини ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, 2017 йил 1 апрелгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига кейинги йилларда Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури

турини амалга ошириш параметрлари юзасидан таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда 2018-2021 йилларда Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури молиялаштириш миқдорлари ва манбаларини белгиласин, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматларнинг молиялаштирувчи ташкилотларининг кредит маблағларини жалб этишни назарда тутсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари келгуси йилга Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида ҳар йили белгиланган тартибда:

1 майгача – Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишган ҳолда, кейинчалик уйлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари қуриш учун "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖга бериладиган, қишлоқ ҳўжалиги мақсадидаги ерлар тоифасига ва ўрмон фондига кирмайдиган, ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланадиган массивлар рўйхати тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

1 сентябргача – иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда талабгорлар аниқлишини ва уйлар қуриш учун уларнинг дастлабки бадаллари шакллантирилишини;

1 октябргача – "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уйлар қуриш учун Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудрат ташкилотларини аниқлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини;

1 ноябргача – "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АК, Республика йўл жамғармаси ва "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ билан биргаликда янгидан қуриладиган қишлоқ тураржой массивларида муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қуриш учун Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудрат ташкилотларини аниқлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини тасдиқласинлар.

9. "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар

бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида тураржой массивларида сув таъминоти объектлари ва автомобил йўллари қуриш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

10. Белгилансинки, тураржой массивларида сув, электр, газ таъминоти объектлари ва автомобиль йўллари қуриш тегишли равишда республика бюджетини, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АК ва Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган.

11. "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, иштирок этувчи тижорат банклари ва "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тавсиялари асосида, ариза берувчи – уй қурувчининг Дастурдаги иштироки тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини бир ой муддатда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида 2022 йил 1 январгача:

пудрат ташкилотлари – "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ билан тузилган шартномалар бўйича фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида массивларда уйлар, сув таъминоти объектлари ва автомобиль йўллари қуриш бўйича ишлар ҳажмлари учун – солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан

субпудрат ташкилотлари – массивларда уйлар, сув таъминоти объектлари ва автомобиль йўллари қуришга "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ билан шартномалар тузган бош пудрат ташкилотлари билан тузилган контрактлар бўйича улар томонидан бажариладиган ишлар ҳажмлари учун – ягона солиқ тўлови тўлашдан;

қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, шунингдек, уларни ташийдиган ташкилотлар – фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уйлар қуриш учун "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖга ва "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ билан шартномалар тузган бош пудрат ташкилотларига қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни реализация қилиш ва уларни ташиш (жумладан импорт материаллари) ҳажмлари учун қўшилган қиймат солиғи, ягона солиқ тўлови ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ – солиқларнинг барча турларини ва давлат

мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

"Қишлоқ қурилиш лойиҳа" МЧЖ – "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ билан тузилган шартномалар бўйича уйлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қуриш бўйича бажариладиган лойиҳа-қидирув ишлари ҳажмлари учун – қўшилган қиймат солиғи тўлашдан;

"Ўзсаноатэкспорт" АЖ – 7-иловага мувофиқ республикада ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган ёғоч-тахта материаллари, томга ёпиладиган металл листлар учун боғжона тўловларидан (боғжонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно), шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича бошқа қурилиш материаллари учун, улар "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖга сотилганда – қўшилган қиймат солиғи тўлашдан;

"Тошкент қишлоқ қурилиш сервис" МЧЖ ва транспорт корхоналари – металл листларни қайта ишлаш ва уларни "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖга етказиб бериш бўйича ишлар ҳажмлари учун – қўшилган қиймат солиғи, ягона солиқ тўлови ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ушбу қарорда назарда тутилган солиқ ва боғжона имтиёзларидан тўғри фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

13. Қўйидагиларга истисно тариқасида: 2017 йил 1 мартгача бўлган муддатда – 2, 3 ва 4-иловаларда кўрсатилган уйларнинг қурилиш-монтаж ишларини лойиҳасмета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда амалга оширишга;

2017 йил 1 январгача фойдаланишга топшириш юзасидан зарур чоралар кўрилган ҳолда 0,02 гектар майдондаги ер участкаларига жойлаштириладиган 26 та икки, уч қаватли кўп-квартирали (2 ва 3 хонали) уйларни ва 130 та бир қаватли 2, 3 хонали уйларни жорий йилда қуришни бошлашга;

8-иловага мувофиқ рўйхат бўйича уйлар қуриш учун бош пудрат ташкилотларига марказлаштирилган тартибда етказиб бериладиган асосий қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарнинг "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ томонидан тендер савдо-

лари ўтказилмасдан энг мақбул таклифлар танлови орқали сотиб олинишига рухсат берилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзқурилишматериаллари" АК ва "Ўзметкомбинат" АЖ буюртмачи ва лойиҳалаш ташкилотининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ушбу қарор билан тасдиқланган Дастур доирасида уйлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва ижтимоий инфратузилма объектлари учун тартибга солинадиган нархлар бўйича цемент ва металл прокати ажратилишини таъминласинлар.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ, "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" МЧЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда Дастурни амалга ошириш доирасида қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши сифати ва лойиҳа ечимлари, шунингдек, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан давлат архитектура-қурилиш, техник ва муаллифлик назоратлари юритилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ ва иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурининг мақсадлари ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсинлар.

17. "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф киритсин.

18. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. И. Закиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
вазифасини бажарувчи

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 21 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING "2017-2021 йилларда
қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича
арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Кейинги йилларда республикада қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини яхшилаш, намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жойлар қуриш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг ҳаёти даражаси ва сифатини ошириш, қишлоқда муҳандислик ва транспорт коммуникацияларини, ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ишвланатириш бўйича кўламли ишлар амалга оширилди. Фақат 2009-2016 йилларда қишлоқ жойларда 1308 тураржой массивида умумий майдони 9 миллион 573 минг квадрат метр бўлган 69 557 та шинам уй-жой қурилди. Қишлоқлардаги 83,5 мингдан ортиқ оиланинг яшаш шароити яхшиланди.

Шу билан бирга, ўрганиш якуналари аҳолининг реал эҳтиёжларини ва харид қобилиятини, шунингдек, миллий менталитетни ва қишлоқ жойларда яшаш шароитларини тўлиқ ҳисобга олувчи қурилишнинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган принципал жиҳатдан янги ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Қишлоқ аҳолисининг замонавий ва арзон уйларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжи имтиёзли кредит беришнинг юқори даражадаги шартларини жорий этишни, энергияни тежайдиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларидан фойдаланишни янада кенгайтиришни, шунингдек, барпо этила-

ётган уйларнинг таннаҳини пасайтиришни талаб қилмоқда.

Ушбу муҳим вазифалар ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинган қарор қишлоқ аҳолисининг кенг қатламлари учун замонавий ва шинам уйлардан фойдаланиш даражасини тубдан оширишга, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга ва қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантиришга йўналтирилган.

Қарор тўпланган тажрибани ўрганишни ҳисобга олиб қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қурилишига янги ёндашушни мустаҳкамлайди. Қарорда беш йиллик даврга мўлжалланган қишлоқ жойларда арзон уйлар қуришнинг кўламли Дастурини амалга ошириш назарда тутилган. Дастурга асос қилиб олинган янгиланган намунавий лойиҳалар қишлоқ аҳолисининг юқорида кўрсатиб ўтилган талаблари ва эҳтиёжларини тўлиқ ҳисобга олади, чунки уларнинг фикрлари ва истак-хоҳишлари ҳисобга олиниб ишлаб чиқилган.

Дастурда қишлоқ жойларда нарх параметрлари ва шинамчилигига кўра яқка тартибдаги уй-жойлар намуналарининг учта энг арзон турларини қўшимча равишда барпо этиш назарда тутилди.

Жумладан, **биринчи тури** бўйича уч ёки тўрт йўлакли, ҳўжалик иморатлари ва обод ҳовилиари

бўлган икки ва уч қаватли кўп-квартирали уйлар барпо этилиши назарда тутилди. Мисол учун бундай уйларда умумий майдони 42,4 квадрат метр ва тахминий қиймати 72,5 миллион сўм, ҳўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 85,0 миллион сўм бўлган икки хонали квартиралар қуриш режалаштирилмоқда.

Ўз навбатида, уч хонали квартираларнинг майдони 52,4 квадрат метр ва тахминий қиймати 88,5 миллион сўм, ҳўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 100,7 миллион сўм бўлади.

Бундан ташқари, кўрсатиб ўтилган кўп-квартирали уйларни қуришда квартиралар эгаларининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳовлида жойлаштириладиган иморатлар – болалар майдончалари, дам олиш учун айвонлар, душ ва бошқалар барпо этиш назарда тутилди.

Иккинчи турига мувофиқ аҳоли зич жойлашган туманларда 2 сотих майдондаги ер участкасида барпо этиладиган бир қаватли икки ва уч хонали арзон уйлар қуриш мўлжалланмоқда. Бундай икки хонали уйларнинг умумий майдони 53,0 квадрат метр ва тахминий қиймати 93,8 миллион сўм, ҳўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 101,5 миллион сўм бўлади.

Уч хонали уйларнинг умумий майдони 63,5 квадрат метр ва тахминий қиймати 111,0 миллион сўм, ҳўжалик

иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 118,7 миллион сўм бўлади. Уйларнинг ҳовлисида ҳўжалик иморатлари қуриш назарда тутилди.

Учинчи тури 4 сотих майдондаги ер участкасида барпо этиладиган умумий майдони 115,0 квадрат метр бўлган ягона блокка бирлаштирилган икки қаватли тўрт хонали уйлар қуришни назарда тутди. Бунда кўрсатиб ўтилган уйларнинг тахминий қиймати 162,0 миллион сўмни, ҳўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 181,8 миллион сўмни ташкил этади. Уйларнинг ҳовлисида ҳўжалик иморатлари қуриш назарда тутилди.

Агар 2009 йилда қабул қилинган Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жойлар қуриш дастури доирасида уй қурувчининг дастлабки бадали 25 фоизни ташкил этган бўлса, янги Дастур бўйича ушбу бадал биринчи ва иккинчи турдаги уйларни қурувчилар учун атиги 15 фоизни ташкил этади. Бу арзон уйлар Дастурига қишлоқ аҳолисининг кенг қатламларини жалб этишга кўмаклашади.

Бундан ташқари, ипотека кредити уч йиллик имтиёзли давр ва биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдордаги фоиз ставкаси билан 15 йил муддатда берилди. Кейинги йилларда кредитнинг фоиз ставкаси Марказий банкнинг ҳозирги вақтда йиллик 9 фоизни ташкил этадиган қайта молиялаштириш

ставкасидан ортиқ бўлмади.

Дастурни молиялаштиришга фақат 2017 йилда 2 триллион 121,5 миллиард сўм йўналтирилади, шу жумладан уй қурувчиларнинг маблағлари билан биргаликда давлат бюджетидан 350,0 миллиард сўм ажратилади, шунингдек, тижорат банкларининг 2 триллион сўмдан ортиқ миқдордаги кредит ресурсларини жалб этиш назарда тутилди.

Умуман олганда, Дастурда 2017 йилда 15 мингта янги уй ва квартира, шу жумладан 4608 та биринчи турдаги, 3739 та иккинчи турдаги, 3672 та учинчи турдаги уйларни ҳамда 0,06 гектар майдонга 3, 4 ва 5 хонали 2981 бир қаватли уй қуриш назарда тутилди.

Шу билан бирга янги қурилаётган уй-жой массивларида фақат давлат ресурслари ҳисобига 415,3 километр сув таъминоти тармоқлари, 291,5 километр электр таъминоти тармоқлари, 316,9 километр газ таъминоти тармоқлари ва 260,3 километр автомобиль йўллари, шу жумладан, массивлар ичида кириш йўллари ва йўллар, шунингдек, 134 та ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этиш мўлжалланмоқда.

Қурилиш-монтаж ишлари сифатига қўйиладиган талабларнинг оширилиши Дастурнинг яна бир муҳим хусусияти ҳисобланади. Бунда асосий қурилиш материаллари ва буюмларга қурилиш-пудрат таш-

килотларининг харажатларини оптималлаштириш ҳисобига барпо этиладиган намунавий уй-жойлар қиймати пасайиши таъминланади.

Бундан ташқари, уйларнинг арзонлигига Дастур иштирокчилари учун солиқ, боғжона имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар берилиши туфайли ҳам эришилади. Масалан, пудрат ташкилотлари арзон уйлар қуриш доирасида бажариладиган ишлар ҳажми учун солиқларнинг барча турини ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилади.

Ушбу Дастурнинг самарали амалга оширилиши давлат тузилмаларининг алоҳида назорати остида бўлади, унда назарда тутилган кўрсаткичлар бажарилишининг тизимли мониторинги олиб борилади.

Янгиланган лойиҳалар бўйича барпо этиладиган уйлар ўзининг нарх параметрлари, сифат таъсирлари ва шинамчилиги бўйича Марказий Осиёда ўхшاشи йўқлигини эътироф этиш зарур.

Қарорнинг амалга оширилиши қишлоқни ободонлаштиришнинг ва қишлоқ аҳолиси ҳаёт даражасини тубдан оширишнинг асосий омилларидан бири сифатида қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қуриш ташкилларини янада кенгайтириш бўйича узвийлик ва изчиллик йўлини таъминлашга кўмаклашади.

Реклама ва эълонлар

"ОЧИҚ МУЛОҚОТ КУНИ" ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

Республика "Агробанк" акциядорлик тижорат банки раҳбар ходими иштирокида Тошкент вилояти бошқармаси раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонунига асосан жисмоний шахслар, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари иштирокида "Очиқ мулоқот куни" ўтказилишини маълум қилади.

Бунда банк соҳасига тааллуқли масалалар юзасидан бевосита муносабат қилиш имконияти бўлиб, амалдаги қонунчилик доирасида жойида тегишли тушунтириш, маслаҳатлар ва амалий ёрдам берилади.

"ОЧИҚ МУЛОҚОТ КУНИ"НИ ЎТКАЗИШ ЖАДВАЛИ:

№	Худуд ва филиаллар номи	Учрашува ўтказиладиган жой	Ўтказиладиган сана					
			03.11.2016	04.11.2016	05.11.2016	07.11.2016	08.11.2016	09.11.2016
	Тошкент		А. Рустамов — бошқарма бошлиғи					
1	Пискент	банк биноси	соат 10.00					
2	Бўқа	банк биноси		соат 10.00				
3	Чиноз	банк биноси			соат 10.00			
4	Қуйи Чирчиқ	банк биноси				соат 10.00		
5	Паркент	банк биноси					соат 10.00	
6	Оҳангарон	банк биноси						соат 10.00
			А. Ашуров — бошқарма бошлиғи ўринбосари					
1	Ўрта Чирчиқ	банк биноси	соат 15.00					
2	Бекобод	банк биноси		соат 15.00				
3	Янгийўл	банк биноси			соат 15.00			
4	Оққўрғон	банк биноси				соат 15.00		
5	Юқори Чирчиқ	банк биноси					соат 15.00	
6	Худудий	банк биноси						соат 15.00

Маълумот учун тел.: 244-09-82.

"Агробанк" АТБнинг Тошкент вилояти бошқармаси маъмурияти.**"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич охириш тартибидда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига ТИФ "Миллий банк" Тошкент вилояти бўлимига тегишли, Қибрай тумани, Дўрмон ҚФЙ, О. Ғоziхонев 2-тор кўчасида жойлашган, ер участкасининг майдони 0,069 Га, умумий фойдаланиш майдони 359,78 кв.м., фойдали (яшаш) майдони 540,32 кв.м. 2 қаватли бостирмадан иборат дўкон биноси қўйилмоқда, бошлангич баҳоси – 396 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 29 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 25 ноябрь соат 16.00 гача.

Кўчмас мулк 2016 йил 29 ноябрь куни сотилмаган тақдирда, такоррий савдолар 2016 йил 5, 9, 14 ва 19 декабрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такоррий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 5 декабрдаги савдо учун 2 декабрь куни, 9 декабрдаги савдо учун 7 декабрь куни, 14 декабрдаги савдо учун 12 декабрь куни, 19 декабрдаги савдо учун 16 декабрь соат 16.00 гача.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, закалат тўланганлигига оид ҳужжат билан биргаликда қуйдагилар тақдим этилади:

– юридик шахс учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

– жисмоний шахс учун паспорт нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Савдо солиғига 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотиш шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгор мулк бошлангич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги х/р: 20208000040920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 га (ариза топширгунга қадар) тўлаши шарт.

Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олинладиган савдо ташкилотчиси манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Коракмиш кўчаси, 1-А уй. Тел/факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. Эл. почта: rieltasavdo@inbox.uz. Лицензия RR-0001.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охириш тартибидда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2016 йил 22 апрелдаги 10-1604/3380-сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб эътироф этилган "159-Курилиш трест" ОАЖ кредиторларининг 2016 йил 18 октябрдаги 5-йигилиш баёни ва суд тугатиш бошқарувчисининг 2016 йил 20 октябрдаги 111-СҮ-сонли бўрттомасига асосан қуйдаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган, умумий ер майдони 6060 кв.м. бўлган бино-иншоотлар ҳамда Олмазор тумани, Корасарой кўчаси, 318-уйда жойлашган, "СҮ-8"га қарашли асосий воситалар ва товар моддий бойликлари билан бирга, бошлангич баҳоси – 1 800 000 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган, умумий ер майдони 2799 кв.м. бўлган бино-иншоотлар ҳамда асосий воситалар ва товар моддий бойликлари билан бирга, бошлангич баҳоси – 1 000 000 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган, "УММ"га қарашли, умумий ер майдони 4200 кв.м. бўлган бино-иншоотлар ҳамда "СҮ-21"га қарашли, асосий воситалар ва товар моддий бойликлари, шунингдек, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уй (темир йўл ўтган)да жойлашган, "УММ"га қарашли, умумий ер майдони 8321 кв.м. бўлган бино иншоотлар асосий воситалар ва товар моддий бойликлари билан

бирга, бошлангич баҳоси – 4 000 000 000 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қ-27, Бериуний кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган, умумий ер майдони 580 кв.м. бўлган, "СҮ-53"га қарашли, бино-иншоотлар ҳамда асосий воситалар ва товар моддий бойликлари билан бирга, бошлангич баҳоси – 1 700 000 000 сўм.

5. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қ-27, Бериуний кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган, "СҮ-70"га қарашли, бино-иншоотлар ҳамда асосий воситалар ва товар моддий бойликлари шунингдек, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 72-уй манзилида жойлашган, умумий ер майдони 405 кв.м. бўлган, "159-Курилиш трест" ОАЖга қарашли асосий воситалар ва товар моддий бойликлари билан бирга, бошлангич баҳоси – 1 300 000 000 сўм.

Кўчмас мулк ва унга тегишли ҳужжатлар билан суд тугатиш бошқарувчиси иштирокида бевосита жойига чиқиш танишиш мумкин. Суд тугатиш бошқарувчисининг манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2-уй.

Аукцион савдоси 2016 йил 28 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабномалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабномалар қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 25 ноябрь соат 18.00 гача. Аукцион савдоси аяқунлари савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эътибор қилинади.

2016 йил 17 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдолари қуйдаги мол-мулклар ва автотранспорт воситалари такоран қўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан: 1. ТВХСнинг 25.11.2013 йилдаги 11-1332/5284-сонли ижро варақасига асосан, 2000 йилда и/ч., "ГА33102" русумли, д/р. 10 140 ААА, бошлангич баҳоси – 14 759 334 сўм. 2. ТВХСнинг 25.01.2016 йилдаги 11-1505/19638-сонли ва 05.03.2016 йилдаги 11-1602/1559-сонли ижро варақаларига асосан, 2011 йилда и/ч., "Нексия" русумли, д/р. 10 265 ТАА, бошлангич баҳоси – 26 188 913 сўм. Тошкент вилояти Ҳўжалик судининг 17.12.2015 йилдаги 11-1506/15640-сонли, 26.02.2016 йилдаги 1632/7570-сонли, 05.03.2016 йилдаги 1602/1282-сонли, 18.04.2016 йилдаги 1632/3172-сонли ижро ҳужжатларига асосан хатланган, 3. 1984 йилда и/ч., д/р. 10 879 ЛАА, "Уаз 452Д" русумли, бошлангич баҳоси – 7 812 450 сўм. 4. 1986 йилда и/ч., д/р. 10 875 ЛАА, "Газ 5201" русумли, бошлангич баҳоси – 10 465 200 сўм. 5. 1986 йилда и/ч., д/р. 10 865 ЛАА, "Газ 53АЦ46" русумли, бошлангич ба-

ҳоси – 14 193 830 сўм. 6. 1991 йилда и/ч., д/р. 10 315 АА, "Днепр11" русумли, бошлангич баҳоси – 2 308 140 сўм. 7. 1981 йилда и/ч., д/р. 10 876 ЛАА, "Камаз 5410" русумли, бошлангич баҳоси – 23 766 210 сўм. 8. 1988 йилда и/ч., д/р. 10 873 ЛАА, "Маз 5335" русумли, бошлангич баҳоси – 20 620 170 сўм. 9. 1989 йилда и/ч., д/р. 10 871 ЛАА, "ММЗ 4502" русумли, бошлангич баҳоси – 24 216 570 сўм. 10. 1995 йилда и/ч., д/р. 10 870 ЛАА, "ГБА СПГ Газ 31029" русумли, бошлангич баҳоси – 12 814 940 сўм. 11. 1980 йилда и/ч., д/р. 10 872 ЛАА, "Газ 5204" русумли, бошлангич баҳоси – 13 054 770 сўм.

Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани СИБ томонидан: 1. 03.01.2013 йилдаги 11-230-2-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган, 1991 йилда и/ч., д/р. 10 Г 0591, "М-412М3" русумли, бошлангич баҳоси – 2 456 206 сўм. 2. 21.04.2016 йилдаги 1-129-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган, 1979 йилда и/ч., д/р. 10 Л 188 ГА, "Ваз 21011" русумли, бошлангич баҳоси – 4 048 030 сўм. 3. 21.04.2016 йилдаги 1-129-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган, 1981 йилда и/ч., д/р. 10 О 978 СА, "Москвич 2140" русумли, бошлангич баҳоси – 1 519 744 сўм. 4. 12.03.2014 йилдаги 1-46-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган, 1982 йилда и/ч., д/р. 20 З 219 БА, "Ваз 2106" русумли, бошлангич баҳоси – 7 441 605 сўм.

2016 йил 7 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдолари қуйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Чиноз тумани СИБ томонидан: 1. ФИБ Заңгиота туманлараро судининг 08.08.2016 йилдаги ижро варақасига асосан, "Нексия-1" д/р. НТ57ЕА1168РУ, бошлангич баҳоси – 4 647 000 сўм. 2. ФИБ Заңгиота туманлараро судининг 08.08.2016 йилдаги ижро варақасига асосан, "Москвич" русумли, д/р. М089ТН222РУ, бошлангич баҳоси – 1 080 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бўхоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юридикда автотранспорт воситалари ва мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиш танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгор-

лардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати 2016 йил 17 ноябрь кундаги аукцион савдоси учун 15 ноябрь соат 16.00, 2016 йил 7 декабрь кундаги аукцион савдоси учун 5 декабрь соат 16.00 да. Аукцион савдосида қатнашиш иштирокида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улугбек тумани филиалидаги қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 202080000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион солиғи сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк кун мобайнида тўлашга тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бўхоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефон: (371) 233-61-44.

Гувоҳнома № 004593.

АТБ "Кишлоқ қурилиш банк" Тошкент шаҳар минтақавий филиали биносининг том қисмини капитал таъмирлаш ишлари бўйича танлов эълон қилади

Сиз раҳбарлик қилаётган жамият томонидан бинонинг том қисмини капитал таъмирлаш бўйича ўз тақлифингизни беришингизни сўраймиз.

Объектда баҳарлиқларидан қурилиш ишларининг бошлангич қиймати қўшимча қиймат солиқларисиз 89 860 690 (саксон тўққиз миллион саккиз юз олтинчи миң олти юз тўқсон) сўм, қўшимча қиймат солиғи билан биргаликда 107 832 830 (бир юз етти миллион саккиз юз ўттиз икки миң саккиз юз ўттиз) сўм.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган пудрат ташкилотларидан қуйдагилар талаб этилади:

– тақлифда олдиндан тўланадиган бўнак тўлови; ишларни баҳариш мuddати: охириги 3 йил давомидаги қурилиш ишлари қиймати; корхона балансининг нусхаси (корхона томонидан аслига тўғриланган), банк қафолатномаси ёки ўз маблағини маъжудлиги камида 20 фоиз; банк ва ДСИдан қарздорлиги йўқлигини тасдиқловчи маълумотнома, тақлиф қилинган ишлар қиймати; объект қийматининг 40 фоизгача ва ундан ортиқ қийматдаги иш ҳаҳмаларини ўз кучи ва маблағи билан амалга ошириш имкониятини ўз тақлифда кўрсатиши керак.

Танловда қатнашиш учун тақлифлар 2016 йил 1 ноябрдаги қабул қилинади. Кечикиб топширилган ҳужжатлар қабул қилинмаган ҳисобланади. Қўшимча маълумотларни қуйдаги манзилдан олишингиз мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 38-уй. Тел.: 150-77-02, 150-77-23.

"AUTO MEGA TRADE" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охириш тартибидда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига:

I. Тошкент вилояти, Заңгиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: 2015 йил 17 август кундаги 8/2015-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент гарнизони ҳарбий автомобиль назоратида сақланаётган, бошлангич баҳоси – 1 253 994 сўм, 1990 йилда и/ч., дав/рак. 10P596DA бўлган, "Москвич ИЖ-412" русумли техник носо автотранспорт воситаси такоран қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 14 ноябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

II. Тошкент вилояти, Заңгиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: 1. 2015 йил 30 январдаги 1-43/2015-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Заңгиота тумани ИХБ жарима майдончасида сақланаётган, бошлангич баҳоси – 614 000 сўм, и/ч. йили номаълум, дав/рак. 20M472BA бўлган, "ВАЗ-2101" русумли автотранспорт воситаси; 2. 2016 йил 26 июлдаги 24451/18-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент

вилояти, Заңгиота тумани, "Агабеков Бек Транс" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, бошлангич баҳоси – 5 660 750 сўм, 2007 йилда и/ч., дав/рак. 01N9580A бўлган, "GANG NE RAICH" русумли; 3. 2016 йил 16 майдаги 1-553/16-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Заңгиота тумани, "Агабеков Бек Транс" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, бошлангич баҳоси – 39 550 000 сўм, 2013 йилда и/ч. дав/рак. 01Y621PA бўлган, "COBALT" русумли автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

III. Тошкент вилояти, Чиноз тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, "Афзал Омад Инвест" МЧЖ омборида сақланаётган: 1. 2016 йил 8 августдаги ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси – 4 500 000 сўм, и/ч. йили номаълум, дав/рак. НТ056577 бўлган, "ЕЕ549113-русумли енгил автотранспорт тиркамаси; 2. 2016 йил 8 августдаги ижро ҳужжатида асосан, бошлан-

гич баҳоси – 1 772 000 сўм, 2000 и/ч., дав/рак. Y744XA97RUS бўлган, "Тико" русумли техник носо автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

IV. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: 2016 йил 12 апрелдаги 1-1879/18-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Алимент кўчаси, 5-уй манзилидаги "Ҳамкорбанк" Авиасозлар филиали биносидида сақланаётган, бошлангич баҳоси – 41 250 000 сўм, 2012 йилда и/ч. дав/рак. 10M725LA бўлган, "ГБА СНГ DAWOO LABO" русумли техник носо автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 28 ноябрь куни соат 11.00 да ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан олдин (аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 28 ноябрь куни ўтказиладиган савдоларга 25

ноябрь соат 16.00 гача; 2016 йил 14 ноябрь куни ўтказиладиган савдоларга 11 ноябрь соат 16.00 гача) тўхта-тилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиш танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "AUTO MEGA TRADE" МЧЖнинг АТБ "Капитал банк" Марказий амалиёт бўлимидаги қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000900803278001, МФО 01088, ИНН 303877274. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13, 239-29-40.

Гувоҳнома № 009293.

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич охириш тартибидда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Янгийўл тумани СИБ томонидан ФИБ Заңгиота туманлараро судининг 28.11.2014 йилдаги 5162-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Чўпон кўчаси, 25-уй, 0004-литерда жойлашган, умумий майдони 3,41 Га дан иборат айвон қўйилмоқда, бошлангич баҳоси – 28 704 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 28 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 25 ноябрь куни соат 16.00 гача.

Кўчмас мулк объекти билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиш танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги х/р: 20208000040920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Коракмиш кўчаси, 1-А уй. Тел/факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltasavdo@inbox.uz. Лицензия RR-0001.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охириш тартибидда ўтказиладиган очик аукцион савдоларидаги тақлиф этади!

Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2012 йил 27 январдаги 11-12/31/146-сонли суд буйругига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Шуралисой ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий қурилиш майдони 1513,70 кв.м. бўлган, қурилиш тугалланмаган бино-иншооти қўйилмоқда, бошлангич баҳоси – 527 330 000 сўм.

Аукцион савд

